

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил октябрь ойининг ўн учинчи куни жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман суди биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи шу суднинг раиси А.Аминов, халқ маслаҳатчилари О.Ибрахимов ва Ш.Тажиевадан иборат таркибда, судья ёрдамчиси И.Қурбонбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўшқўпир туман прокурорининг ёрдамчиси А.Юлдашев, жабрланувчининг қонуний вакили А.Куранбоева, судланувчи Г.Джуманов ва унинг ҳимоячиси адвокат Қ.Саъдуллаевнинг иштирокида, Джуманов Гулиммет Отажоновичга нисбатан бўлган 1-2207-2301/53-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Джуманов Гулиммет Отажонович (Djumanov Gulimmet), 1961 йил 3 февраль куни Дашауз шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, беш нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, судланмаган, ишсиз, нафақада, Шовот тумани, Пахтакор маҳалласи, Гулзор кўчаси, 56-уйда яшаб келган, 2023 йил 22 май куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судининг ажримига кўра, 2023 йил 22 май кунидан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 4 август куни олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан айбланган.

Суд хайъати, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Г.Джуманов, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлгани ҳолда, 2023 йил 21 май куни соат 21ларда келини О.Куранбоева бегона эркалар билан ишқий муносабатларга киришиб юрганликда гумонланиб, у билан давом этаётган жанжаллар натижасида, яшаш уйининг ошхонасидан оқ дастали ошхона пичоғини олиб, келини яшаб келаётган алоҳида хонадонига бостириб кириб, вояга етмаган неваралари М.Гулимметова ва А.Гулимметовнинг кўз олдида О.Куранбоевани ўлдириш мақсадида унга ошхона пишоғи билан ташланиб, танасига бир неча мартаба



пичоқ уриб санчганлиги оқибатида, О.Куранбоева уни хамласидан қутилиш учун яшаш уйининг ташқарисига қочган вақтида, ўзининг ҳаракатларини давом эттириб, О.Куранбоевани орқасидан қувиб, чиқиш эшиги олдида ушлаб, яна вояга етмаган неваралари М.Гулимметова ва А.Гулимметовнинг кўз олдида ўнг қўлидаги оқ дастали ошхона пичоғи билан О.Куранбоеванинг кўкрак қафаси, бўйин соҳаси ва танасининг бошқа соҳаларига жами саккиз маротаба санчиб-кесиб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказиб, ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдирган.

Оқибатда жабрланувчи О.Куранбоева олган тан-жароҳатлари натижасида ҳодиса жойида вафот этган.

Судланувчи Г.Джуманов суд муҳокамасида айбига иқдорлик билдириб, марҳума келини О.Куранбаева кенжа ўғли А.Джумановнинг турмуш ўртоғи бўлганини, О.Куранбаева билан ўрталарида жанжал кўпайганидан кейин 2022 йилнинг ноябрь ойида уйни иккига ажратганини, ўғли ва келини хонадонига алоҳида кириб-чиқадиган бўлганини, сўнг А.Джуманов О.Куранбоеванинг хатти-ҳаракатларини текшириб бориш учун уйининг иккита жойига кузатув камераси ўрнатиб, 2022 йил ноябрь ойининг охирида ишлаш мақсадида Россия Федерациясига кетганини, О.Куранбоевани бегона эркаклар билан ишқий муносабатга киришганидан шубҳаланиб, уни доим кузатиб юрадиган бўлганини, 2023 йил 21 майга ўтар кечаси соат 03ларда О.Куранбаевага кимдир қўнғироқ қилганини, 2023 йил 21 май куни эрталаб О.Куранбоевага “эски касалингни яна бошладингми, кечаси билан ким телефон қилди”- деб сўраганида, у “сизни ишингиз бўлмасин, мен телефонимни будильникка қўйган эдим”- деганини, шунда унга “уйингга кет, агар кетмасанг ўлдираман”- деганини, шунда у “қўлингиздан келганини аяманг, хўпми сўтак, ўзим биламан нима иш қилишни”- деганини, шу куни ишлаш учун уйига қариндоши Г.Сотимовни чақирганини, у билан 1 литр ҳажмдаги ароқни истеъмол қилишни бошлаганини ва уч пиёла ароқ истеъмол қилганини, Г.Сотимов соат 20-30ларда уйига кетганини, шундан кейин ошхонасидан дастаси оқ рангли пичоқни олиб, ўнг оёқ пайпоғига яширганини, сўнг ташқарига чиқиб, турмуш ўртоғи Г.Нурметова О.Куранбоевани эшиги олдида турганини кўрганини, югуриб Г.Нурметовани итариб юбориб, уй ичкарасига кирганини, у ерда икки нафар невараси бўлганини, сўнг ётоқхонага югуриб кирганини, келини ичкари томонга қочганини, унга етиб олиб, пайпоғига яширган пичоқни олиб, О.Куранбоевани оёғининг сон қисмига бир маротаба санчганини, шу пайтда у қаршилиқ қилганини, пичоқ ўнг қўлининг биллак қисмини кесиб юборганини, О.Куранбоева қочиб, уй олдида йиқилганини ва узум тоқлари орасидан ўтиб, боғ ичига йиқилганини, унга ташланиб, кўкрагига пичоқ санчганини, неча маротаба санчгани эсида йўқлигини, ушбу ҳолатни фақат Г.Нурметова, неваралари М.Гулимметова ва А.Гулимметов бўлганини, шундан кейин пичоқни шу ерга ташлаб, акаси Б.Ақназаровнинг уйига борганини, бўлган воқеаларни акасининг ўғиллари М.Ақназаров ва Ж.Ақназаровга айтиб берганини, кейин улар ИИБга хабар берганини, шу пайтда О.Куранбоевани кўрқитмоқчи бўлганини, қолганини билмаслигини,



қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, кечиришликни ва енгиллик қилишни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.Куранбоева суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам О.Куранбоева кенжа фарзанди бўлганини, А.Джуманов унинг турмуш ўртоғи бўлганини, О.Куранбоевага қайнонаси Г.Нурметова ва қайнотаси Г.Джуманов тинчлик бермасдан келганини, 2023 йил 21 май куни Г.Нурметова солиқ тўловлари учун пул сўраб, жанжал қилганини, уйининг меҳмонхонасида қизини урганини, шундан кейин Г.Джуманов келиб пичоқлаб ўлдирганини, Г.Джумановга нисбатан қонуний чора кўришини сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Г.Нурметова суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам судланувчи Г.Джуманов турмуш ўртоғи, А.Джуманов ўғли, О.Куранбоева келини бўлишини, 2011 йилда туғилган М.Гулимметова ва 2014 йилда туғилган А.Гулимметов невараси бўлишини, А.Джуманов ишлаш мақсадида чет давлатларга бориб келишини, А.Джуманов ва О.Куранбоева ўртасида ўзаро оилавий қелишмовчиликлар содир бўлиб турганини, 2022 йилнинг октябрь ойида А.Джуманов Россия Федерациясига кетганидан кейин О.Куранбоева бошқа бир эркаклар билан ишқий муносабатга киришганини, уларнинг оила-аъзолари келиб, келини билан жанжаллашганларини, шундан сўнг О.Куранбоевани уйдан чиқариб юборганларини, ушбу воқеалардан кейин А.Джуманов Россия Федерациясидан қайтиб келганини ва О.Куранбоевага яна бир имконият бериш мақсадида уйига қайтариб олиб келганини, сўнг А.Джуманов О.Куранбоеванинг хатти-ҳаракатларини текшириб бориш учун уйининг иккита жойига кузатув камераси ўрнатиб, 2022 йил ноябрь ойининг охирида яна Россия Федерациясига кетганини, бироқ О.Куранбоева олдинги ҳаракатларини давом эттирганини, ўрталарида жанжаллар кўпайганини, шу сабабли уйини иккига бўлиб, келини фарзандлари билан алоҳида яшаб бошлаганини, 2023 йил 21 май куни соат 20-30ларда О.Куранбоевага тезроқ уйдан чиқиб кетишини, акс ҳолда қайнотаси бир нима қилиб қўйишини айтиб турганида, Г.Джуманов югуриб келиб, уни итариб юбориб, ичкарига кириб кетганини, ичкаридан О.Куранбоеванинг бақирган овозини эшитганини, М.Гулимметова ва А.Гулимметовлар бақириб йиғлай бошлаганларини, шу пайтда ичкаридан О.Куранбоева кўли қонаган ҳолатда югуриб чиққанини, орқасидан Г.Джуманов югуриб чиққанини, уни орқасидан неваралари чиққанини, сўнг О.Куранбоевани боғда юзи билан ерга қараган ҳолатда ётганини, унинг усти-боши қон бўлганини, у ерда набиралари йиғлаётганини кўрганини, ушбу ҳолатни эшитиб, кўшнилари келганини ва тез тиббий ёрдамни чақирганларини, 15-20 дақиқадан сўнг тез тиббий ёрдам ходимлари келиб, О.Куранбоевани жони узилганини билдирганларини, шу орада ИИБ ва прокуратура ходимлари етиб келганини, Г.Джуманов акаси Б.Ақназаровнинг уйига кетганини, шу куни Г.Джуманов спиртли ичимлик истеъмол қилганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Қонуний вакили иштирокида сўралган вояга етмаган гувоҳ М.Гулимметова суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Шовот туманидаги 42-сонли мактабнинг 6-синфида ўқишини, А.Джуманов отаси, О.Куранбоева



онаси бўлишини, 2023 йил 21 май куни уйда ўтирганларида, бувиси Г.Нурметова келиб, онасига уйига кетишини айтганини, шу пайтда бобоси Г.Джуманов югуриб келиб, онаси О.Куранбоевага қўлидаги пичоқ билан санчиб олганини, укаси А.Гулимметов йиғлаб юборганини, онаси қочиб, эшик олдида йиқилиб тушганини, бобоси Г.Джуманов онасининг орқасидан югуриб чиққанини, улар ҳам ташқарига чиққанини, кейин Г.Джуманов эшик олдидаги боғда онаси О.Куранбоевага пичоқ урганини, ушбу ҳолатларни бувиси Г.Нурметова, укаси А.Гулимметов ва ўзи кўрганини, бобоси Г.Джумановдан бир неча маротаба онасига тегмаслигини айтиб йиғлаганини, кейин бобоси Г.Джуманов у ердан кетиб қолганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд муҳокамасида қонуний вакили иштирокида сўралган вояга етмаган гувоҳ А.Гулимметов, гувоҳ М.Гулимметованинг юқоридаги кўрсатуви билан бир хил мазмунда кўрсатув берди.

Гувоҳ Г.Сатимов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Г.Джуманов ҳоласининг ўғли ҳисобланишини, 2023 йил 21 май куни соат 18га қадар Г.Джумановнинг уйда қурилиш ишларини қилганларини, сўнг бирга овқатланганларини, шу пайтда Г.Джуманов очилган 1 литр ҳажмли ароқ олиб чиққанини, шундан бир пиёла ароқ истеъмол қилганини, Г.Джуманов кўпроқ ароқ истеъмол қилганини, шу куни соат 19ларда уйига борганини, соат 21лардан кейин қариндоши М.Ақназаров кўнғироқ қилиб, Г.Джуманов келини О.Куранбоевани ўлдириб қўйгани ҳақида айтганини, шу пайтда М.Ақназаровнинг телефони орқали Г.Джуманов билан галашганини, шунда унга ИИБга хабар бериши кераклигини айтганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Қ.Сатимов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Г.Джуманов кўшниси бўлишини, 2023 йил 21 май куни соат 21ларда яшаш уйи олдида “Дамас” русумли автомашинасини ўт олдириб турганида, Г.Джумановнинг хонадонидан ёш болаларнинг бақирган овози эшитилганини, сўнг Г.Джумановни уйи олдида яқинлашганида, тоқларнинг орасидан Г.Джуманов чиқиб келганини, шунда ундан “нима бўлди Гулиммат оға, тинчликми?”- деб сўраганида, у “кет, ишинг бўлмасин”- деб, жавоб қайтарганини, Г.Джумановнинг эғнидаги кийимлари қон бўлганини, шу пайтда Г.Джумановнинг турмуш ўртоғи Г.Нурметова чиқиб, “ўлдирдинг”- деб бақирганини, шундан кейин Г.Нурметовадан нима бўлгани ҳақида сўраганида, у Г.Джуманов келинини пичоқлаб қўйганини айтганини, сўнг кўрқиб, уйига қайтиб кетганини, шу пайтда кўшниси Ширин опа ИИБга кўнғироқ қилиб, бўлган ҳолат ҳақида хабар берганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Кўшимча гувоҳ С.Эшчанова суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам А.Куранбоева қайнонаси бўлишини, 2023 йил 21 май куни соат 18ларда О.Куранбоева билан телефонда А.Куранбоеванинг соғлиғи ҳақида гаплашганини, шу куни соат 19ларда О.Куранбоева яна кўнғироқ қилиб, “мени уйдан олиб кетинглар, қайнонам уйдан қувиб турибди”- деганини, кейин О.Куранбоева яна кўнғироқ қилиб, тезроқ келишини ва таксида олиб



кетишини айтганини, унинг уйга етиб борганида, О.Куранбоева далада пичоқланган ҳолда ётганини кўрганини, у тирик бўлганини, кейин жони узилганини, шу пайтда унинг ёнида Г.Нурметова, А.Гулимметов ва М.Гулимметовалар бўлганини, уларнинг кўшниси тез тиббий ёрдам чақирганини, бироздан сўнг шифокор келиб, О.Куранбоевани вафот қилганини айтганини, кейин уйидагиларга қўнғироқ қилиб, бу ҳақда хабар берганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд ҳайъати, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг фикрини, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, судланувчи Г.Джумановнинг айбига тўла иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, унинг айби жабрланувчининг қонуний вакили А.Куранбоева, гувоҳлар Г.Нурметова, А.Гулимметов, М.Гулимметова, Г.Сатимов, Қ.Сатимов ва С.Эшчанованинг судда берган кўрсатувлари, билдиргилар (1-ж. и.в. 6-7), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ҳамда унга илова қилинган чизма ва фотосуратлар (1-ж. и.в. 8-37), мурдани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (1-ж. и.в. 38-50), тиббий маълумотномалар (1-ж. и.в. 54, 73-74, 88), суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 10 июндаги 7-сонли хулосаси (1-ж. и.в. 55-58), ашёвий далилни олиш баённома ва далолатномалари (1-ж. и.в. 60-63), Г.Джумановдан қон намунаси олиш баённомаси (1-ж. и.в. 64), суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 23 майдаги 141-сонли хулосаси (1-ж. и.в. 112-113), судланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (1-ж. и.в. 146-166), суд-дактилоскопия экспертизасининг 2023 йил 30 майдаги 39-сонли хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (1-ж. и.в. 176-183), суд-биологик экспертизасининг 2023 йил 22 июндаги 161,162, 163 ва 165-сонли хулосаси (1-ж. и.в. 203-205, 218-220, 227-229, 235-237), суд-криминалистика экспертизасининг 2023 йил 11 июлдаги 130 ва 131-сонли хулосалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар (1-ж. и.в. 248-252, 257-259), суд-психиатрия экспертизасининг 2023 йил 21 июндаги 178-сонли хулосаси (1-ж. и.в. 288), видеотасвирни ёзиб олинган дискни кўздан кечириш ва кўриш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (2-ж. и.в. 2-14), буюмни таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (2-ж. и.в. 59-62, 97-99) ҳамда бошқа иш материалларида тўпланган далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, улар ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган бўлиб, уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи Г.Джумановнинг айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Пировардида суд, суд жараёнида жабрланувчининг қонуний вакили, судланувчи ва гувоҳдан ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан



зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олинишига ҳаракат қилинганлигини тасдиқловчи далиллар келтирилмаганлиги сабабли ишдаги ҳар бир далил ишга алоқадор ва ишончли деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Г.Джумановнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдирганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 12-бандида, жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгида одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозимлиги ҳақида кўрсатилган.

Суд ҳайъати, судланувчи Г.Джумановга нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши, жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиниши кераклиги ҳақида;

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ва 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари



мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи Г.Джумановга нисбатан жазо чораси ва турини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорларидаги раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг айбига иқдорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, биринчи марта жиноят содир этганлигини ва жиноятни очиш учун фаол ёрдам берганлигини, оилавий шароитини, беш нафар фарзанди борлигини, ёшини, моддий аҳволи ва имкониятини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, ишсизлигини, нафақахўрлигини, жабрланувчи келини бўлганини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, муқаддам судланмаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, мастлик ҳолатида жиноят содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, шунингдек, жиноят содир қилгандан кейинги ижобий хулқ-атворини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг хусусиятини, судланувчининг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, жазо тайинлашни, у қасддан ўта оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганлиги сабабли ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “б” бандига асосан жазони умумий тартибли колонияларида ўтатишни, жазони ўташ муддатини ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган 2023 йил 22 май кунидан бошлаб ҳисоблашни ва унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорани ўзгаришсиз қолдиришни белгилашни лозим топади.

Суд ҳайъати, жиноят натижасида манфаатдор томонларга етказилган зарарлар масаласини муҳокама қилиб, Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қароридаги талаблар ҳамда жиноят иши бўйича олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб, Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 9-банди тушунтиришларига асосан, ҳукм қонунӣ кучга киргач, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 2-рақам билан белгилаб олинган қонга ўхшаш доғлари бўлган оқ рангли, пластмас дастали бир дона ошхона пичоғини, ходиса содир бўлган пайтда судланувчининг эғнида бўлган оқ рангли кулранг чизикли футболка, кулранг шалавар шимни, ходиса содир бўлган пайтда марҳуманинги эғнида бўлган қора ва кўк рангли ярим синтетик матодан тикилган аёллар куйлаги ва лозими, оқ рангли аёллар



сийнабанди (бюзгалтер) ва ички кийими (трусиги)ни, воқеа жойини кўздан кечириш давомида 4,5,6,7-рақамлари билан белгиланган қонга ўхшаш қизғиш рангли намуналар (дока бўлаклари)ни йўқ қилишни, шунингдек, судланувчининг химоячиси томонидан тақдим этилган жабрланувчининг яшаш хонадонидан топилган бир дона “Samsung duos” русумли телефон аппаратини ва воқеа жойини кўздан кечириш давомида 3-рақам билан белгиланган телефон ғилофини жабрланувчининг қонуний вакилига қайтариб беришни ҳамда хонадонга ўрнатилган яширин камера хотиралари туширилган иккита микрокартани судланувчининг оила-аъзоларига қайтариб беришни, шунингдек, камера хотираси туширилган бир дона “DVD+R” дискини, воқеа жойини ва мурдани кўздан кечириш, судланувчининг кўрсатувларини воқеа жойида текшириш ва уни сўроқ қилиш тергов ҳаракатлари ёзиб олинган тўрт дона “DVD+R” дискини жиноят ишига қўшиб сақланаётганлигини инобатга олишни белгилашни, жабрланувчининг қонуний вакилига мазкур жиноят натижасида етказилган мулккий зиён ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик тартибда судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Джуманов Гулиммет Отажонович (Djumanov Gulimmet) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Джуманов Гулиммет Отажоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 22 май кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Джуманов Гулиммет Отажоновичга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, жиноят иши бўйича ашъвий далил деб эътироф этилган:

- 2-рақам билан белгилаб олинган қонга ўхшаш доғлари бўлган оқ рангли, пластмас дастали бир дона ошхона пичоғи;

- ҳодиса содир бўлган пайтда судланувчи Г.Джумановнинг эғнида бўлган оқ рангли кулранг чизиқли футболка, кулранг шалавар шим;

- ҳодиса содир бўлган пайтда марҳума О.Куранбоевнинг эғнида бўлган қора ва кўк рангли ярим синтетик матодан тикилган аёллар куйлаги ва лозими, оқ рангли аёллар сийнабанди (бюзгалтер) ва ички кийими (трусиги);

- воқеа жойини кўздан кечириш давомида 4,5,6,7-рақамлари билан белгиланган қонга ўхшаш қизғиш рангли намуналар (дока бўлаклари) тегишли тартибда йўқ қилинсин;



- судланувчи Г.Джумановнинг ҳимоячиси томонидан тақдим этилган жабрланувчи О.Куранбоевнинг яшаш хонадонидан топилган “Samsung duos” русумли телефон аппарати;

- воқеа жойини кўздан кечириш давомида 3-рақам билан белгиланган телефон ғилофи жабрланувчининг қонуний вакили А.Куранбоевага қайтарилсин;

- хонадонга ўрнатилган яширин камера хотиралари туширилган иккита микрокарта судланувчи Г.Джумановнинг оила-аъзоларига қайтарилсин;

- беш дона “DVD+R” диски жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.Куранбоевага мазкур жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиён ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья (имзо) **А.Аминов**

Халқ маслаҳатчилари (имзо) **О.Ибрахимов**

(имзо) **Ш.Тажиева**

Аслига тўғри:

